

## Янги йилга муносиб муносабат

Республикамизнинг барча ҳудудларида бир йилда барчамиз орзиқиб кутадиган энг яхши байрамлардан бири Янги йил байрамига тайёргарлик ишлари аллақачон бошлаб юборилган. Бунинг исботини барча кўчаларда, хиёбонларда, ҳудудларда, таълим муассасаларида ташкил этилган махсус байрам тадбири учун жойлар, дастурлар, безатилган арчалар, бинолар мисолида кўришимиз мумкин. Тошкент шаҳрида хусусан, бизнинг институтимизда ҳам янги йил байрам шукуҳини атрофга қараб, сезиш қийин эмас. Яқинда Тошкент ирригатсия ва қишлоқ хўжалигини механизатсиялаш муҳандислари институтнинг бир гуруҳ иқтидорли, истеъдодли талабалари ҳамда рус гуруҳларида таълим олувчи ташаббускор талабалари томонидан "Янги йил байрами талабалар талқинида" номли талабалар учун Янги йил байрам Карнавалини ташкил этиш ва ўтказиш ташаббуси Институт ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотига билдирилганди. Институт раҳбарияти, Институт ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти, институт Касаба уюшмаси қўмитаси томонидан талабалар томонидан билдирилган ташаббус қўллаб-қувватланиб, байрам дастури ҳамда ташкилий ишлар амалга оширилди. 2019-йил 15-декабр куни Институтнинг барча факултетлари ҳамда магистратура бўлимидан жами 280 нафар талабалар учун байрам тадбири ташкил этиб берилди.



Ташкилий ишларнинг молиялаштириш масалаларининг барчаси институт раҳбарияти томонидан, ажойиб байрам дастурхонини тузаш эса институт Касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ҳал этилди. Мана шу билдирилган ташаббусни қўллаб-қувватлаб, ёшларнинг таклифларини қабул қилган институт раҳбариятига, институт Касаба уюшмаси қўмитасига, барча барчага институт Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти номидан, барча талабалар номидан миннатдорчилик изҳор этамиз. Шунинг билан етдикки, бундай тадбирлар ҳам керак экан. Дўстлик, танишув, ҳамжиҳатлик қадриятлари, факултетлар талабалари бир- бири билан ҳамкорликда фаолият олиб бориши кейинчалик ўз-ўзини бошқариш тизимида амалий ишлар механизми бўлиб хизмат қилиши мумкин. Тадбир жуда ҳам ажойиб ўтди. Барча талабалар хурсанд, оиласи даврасига яхши кайфият билан қайтишди. Совғалар улашилди. Эртак қаҳрамонлари, Қорбобо, қорқиз, Супер Дж ва саҳна чиқишлари, қизиқарли ўйинлар, рақсларни қамраб олган дастур талабаларда унитилмас онлар шаклланишига сабаб бўлди. Шунинг билан алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, институт ректори ва барча проректорлари ишонч билан ёшлар даврасига ташриф буюриб, тадбирни очиб берди.



Бизга энг катта қувонч ҳам мана шудир. Раҳмат сизларнинг ишончингизни оқлаш ва янги лойиҳалар қилишда давом этамиз. Яқинлашиб келаётган янги 2020 йил барчамизга омадли келсин.



Институт Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти ҳамда Институт Касаба уюшмаси қўмитаси  
ахбороти

Институт матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов